БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 декабрь Жума
№ 234 (13.670).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 6 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлди. КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичига киритиладиган масалалар ҳақида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Уставининг ва «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастурининг тайёргарлик комиссиялари тақдим этган лойиҳаларини маъқуллади, шунингдек, уларни муҳокама учун асос сифатида XXII съездга ҳавола этишга қарор қилди.

Пленум Марказий Қўмитанинг мазкур лойиҳаларни тайёрловчи комиссиялари ваколатларини узайтирди ва уларга Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг комиссиялари мақомини беришни таклиф этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзосининг мақоми тасдиқланди.

Пленум Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимовнинг Наманган шаҳрида содир бўлган воқеалар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан бўлган мунозарада Тошкент тепловоз деposининг тепловоз машинисти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзоси Ҳ. А. Исамуҳамедов, Бухоро вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти жумҳурият кенгаши раёсатининг раиси О. Алимов, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков, Қорақалпоғистон МССЖ Тўрткўл ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби Ғ. Н. Ҳожиев, Фарғона механика заводининг фрезерчиси А. Д. Маматов, Ўзбекистон ССЖ уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг аъзоси П. Қаюмов, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик котиби А. Асқаров, Самарқанд шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Н. Н. Ёқубов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Қ. Т. Тоиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси умумий бўлимининг мудири этиб тасдиқланди. Пленум ишида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси котибиятининг аъзоси Г. Турғунова, КПСС Марказий Қўмитаси ташкилий бўлими секторининг мудири Н. И. Семенов, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари қатнашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг пленуми ўз ишини тугаллади.

Анжуман ўз ишини давом эттиради

Бугун Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон Комфирқаси XXII съездининг иккинчи босқичи очилади


ИНҚИЛОБ ИЧИДАГИ инқилобий қайта қуриш жараёни ғоят оғир кечмоқда, ҳаммани синовдан ўтказмоқда. Чунки жамиятимиз беқиёс бурилиш йўлига чиқишга интиляпти. Янгича бозор иқтисодиётига ўтиш арафасидамиз. Эркин фикрлаш, сиёсий ҳаракатлар тенглигини қарор топтириш амалга оширилаётир. Азалий қадриятларимиз тикланиб, умумбашарий инсонпарварлик ғоялари ривожланмоқда. Жумҳуриятимиз халқи янги, ёруғ ва ҳур кунлар келишига ишонади.

Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитаси, жумҳурият раҳбарияти коммунистларнинг эзгу ишларга қодир эканлигини амалда исботлаб келаётир. Деҳқонларга ер, ўқитувчиларга имтиёзлар ва ўқувчиларга бепул нонушта берилиши, талабаларнинг нафақаси оширилиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик, ҳарбийда ҳалок бўлганлар оиласига ёрдам, қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа бир қатор амалий ишлар мана шу эзгулик сари қўйилган қадамлардир.

Бугун ўзининг иккинчи босқичини бошлайдиган Ўзбекистон Комфирқаси XXII съезди кун тартибига ҳам энг долзарб масалалар қўйилган. Бу, аввало, жумҳуриятимиз Комфирқасининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда қабул этишдан иборатдир.

Бу анжуман серқуёш жумҳуриятимизнинг йигит-қизлари учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиши турган гап. У турли фирқалилик ва оқимлар даврида коммунистларнинг бозор иқтисодиётига халқнинг, шу жумладан, йигит-қизларимизнинг фаровонлигини таъминлашнинг умидвор ва нурли истиқбол йўлини белгилаб беради деб умид қиламиз.

КОМФИРҚА АНЖУМАНИ ДЕЛЕГАТЛАРИГА СИДҚИДИЛДАН КОМСОМОЛЛИК САЛОМИНИ ЙЎЛЛАЙМИЗ.



Қобулжон Азизов (суратда) Андижондан. У Ленинск шаҳар ва ноҳия байналмилал жангчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, Марказқўм аъзоси. Уюшмада 450 дан ортиқ «афғон»лар бор. Яқинда уюшма ўз хонасига эга бўлди. Ишлар ҳам юришиб кетяпти. «Афғон»лар маҳалласини ташкил этишди, қийинчилик билан бўлсада ер ажратилганларга қурилиш материаллари етказиб беришмоқда. Бемақсад урушда қурбон бўлганлар хотираси абадийлаштириляпти: улар ўқиган мактаб, яшаган кўчаларга номлари қўйилмоқда, яқин орада эса «афғон» йигитлари хотирасига ёдгорлик ўрнатишмоқчи... Бу ишларда фирқа, комсомол ходимлари баҳоли қудрат кўмаклашишяпти. Мабодо, съездда сўз беришса у шулар ҳақида сўзламоқчи.

Сураткаш: Муҳаммад АМИН.

ҒОЛИБ БОҒБОН

Қўшкўпир ноҳиясидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг аъзоси Райимбой Нуруллаев Хоразмнинг энг яхши боғбони сифатида эътироф қилинди. У «ҳосил байрами»да ўтказилган мусобақада ғолиб чиқди.

Бу йил у бошлиқ бригада 70 гектар боғнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 122 центнер турли мева ва резаворлар — олма, олча, олхўри, беҳи, гилос, шафтоли, бошқа меваларни етиштирди. Жамоада меҳнат қилаётган ҳар бир боғбоннинг ўртача маоши 530 сўмни ташкил этди. Бу чегара эмас, дейди Р. Нуруллаев. 1990 йилда бригада жамоа хўжалигига 200 минг сўмдан кўпроқ соф даромад келтирди.

Боғбонлар муваффақиятининг асоси дарахтларни парваришлаш борасидаги барча тадбирларни ўз вақтида амалга оширишдир. Бригада боғини саноат асосида яратилган боғ деб аташ мумкин. Дарахтларнинг оралиғи кенг, шу сабабдан ерларни ҳайдаш, зараркунандалардан тозалаш, суғориш ишлари техника ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирча фақат меваларгина қўлда териб олинмоқда.

Бу боғ Р. Нуруллаевнинг ташаббуси билан йигирма йилдан олдинроқ бунёд этилганди. Бригаданинг кўчат етиштирадиган майдони ҳам бор. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишмоқда. Дала шийпонлари олдига, йўл четкаларига, ариқларнинг лабларига мева дарахтлари ўтқазилган.

Боғбонлар ўз меҳнатлари билан етиштирилган ҳосилни йўқотмасликка ҳаракат қиладилар. Боғда ер остида мева сақланадиган омбор қурганлар, бу билан меваларни узоқ муддат сақлаш борасидаги қадимий услубни тиклаганлар.

Боғ ўзига хос илғор тажриба мактабига ҳам айланди. Бригада бошлиғи кўп йиллик иш даврида ўрганган барча нарсаларини сахийлик билан ўртоқлашади. Райимбой Нуруллаевни кўпинча бошқаларга намуна қилиб кўрсатишади. Бу унинг катта хизматлари тан олинганлигидан, яхши ишлари тақдирланаётганидан далолат беради.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

НАМАНГАН. (ЎзТАГ). Шаҳарда гарчи 2 декабрь куни рўй берган фожиали воқеалар билан боғлиқ кескинлик ҳали сезилиб турган бўлса-да, у ердаги вазият изга тушган. Бироқ, умуман турмуш нормал, одатдагидек кечмоқда: барча корхоналар, магазинлар, транспорт ишлаб турибди, мактабларда машғулотлар олиб борилмоқда. ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг бу ерда ташкил этилган муваққат матбуот марказининг раҳбари А. Л. РОСТОВЦЕВ ана шу ҳақда маълум қилди.

— Шунга қарамай, энди ҳамма нарса осойишта, можаро тугади ва уни унутиш лозим, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди,—деди сўнгра у.—Ҳозир кўпгина кишиларнинг чеҳрасидан ҳар ҳолда қандай воқеа рўй берди? — деган хавотирли саволни уқиш мумкин. Мен ҳозир мавжуд тахминий фикрларни баён этишга ҳақли эмасман — бир қанча шундай фикрлар бор ва улар юзасидан тергов олиб борилмоқда.

— Кеча шаҳарда митинг бўлиб ўтгани ростми?

— Мен буни митинг деб атамаган бўлур эдим... Ҳақиқатан меҳмонхона олдида 500 га яқин киши, асосан ёшлар тўпланишди. Улар аслида ҳеч қандай талабларни ўртага қўймадилар ва бирон бир баёнот билан чиқмадилар. Транспорт ҳаракатига халақит бериб, кўчадан ўтаётган автобуснинг ойнасини, «Чорсу» меҳмонхонаси деразаларининг бир нечта ойнасини уриб синдирдилар... Тўғри, битта талаб айтилди: 2 декабрь куни ушланганлар қўйиб юборилишини талаб қилдилар. Бироқ, гап шундаки, ана шу вақтга келиб, ушланганлар тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар, расмийлаштирилганидан ва улар огоҳлантирилганидан кейин қўйиб юборилган эди. Ҳақиқий айбдорларга келганда улар муносиб жазо оладилар.

— Ҳарбий қисмдаги вазият қандай?

— У ерда ҳамма нарса жойида. Умуман, агар холис гапирадиган бўлсак, солдатлар ҳайратланарли даражада вазминлик кўрсатдилар. Акс ҳолда ҳамма нарса анча фожиали тугаши мумкин эди.

Ўзбекистон ССЖ Прокурори Б. М. МУСТАФОЕВ шаҳардаги умумий аҳволга, нормаллашаётган ва назорат қилиб турилган вазиятга берилган ушбу баҳони тасдиқлади.

— Кечаги тун осойишта ўтди, ҳеч қандай можаро қайд этилмади. Бугун тушдан аввал шаҳардаги оддий турмуш тарзини бузган ҳеч қандай воқеа қайд этилмади. 2 декабрь куни бўлиб ўтган воқеалар пайтида азият чекканларга тиббий ёрдам кўрсатилди. Рўй берган ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатилди, жумҳурият прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва Туркистон ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасининг ходимларидан иборат оператив-тергов гуруҳи ишлаб турибди. Қандайдир хулосалар тўғрисида гапиришга ҳали эрта — айбсизлик фаразини бузиб бўлмайди, терговчилар иши тугашини кутамиз.

Ҳозирги вақтда комсомол фаоллари, байналмилал жангчилар, маҳалла қўмиталари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларидан иборат дружиначилар жамоат тартибига риоя этилишини назорат этиб турибдилар.

«Наманган ҳақиқати» рўзномасида ветеранлар шаҳар кенгашининг барча наманганликларга мурожаатномаси эълон қилинди. Мурожаатномада одамлар ақл-идрок билан иш тутишга ва осойишталикка даъват этилади.

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

Ижтимоий маънавиятни муҳофаза этайлик

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев совет кишиларининг мамлакатда турли-туман беҳаё, сохта табобатга оид адабиётларнинг, шаҳвоний ҳисларни ифода этувчи видеофильмларнинг ва бошқа шунга ўхшаш нашрларнинг тарқалаётганидан ташвишда эканликларини эътиборга олиб, «Ижтимоий маънавиятни муҳофаза этиш юзасидан шошилинч тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

Шу мақсадда ССЖИ маданият вазири Н. Н. Губенко бошчилигида комиссия тузилди. Комиссия таркибига марказий давлат ва жамоат идораларининг вакилларини киритиш, шунингдек, бу ишга иттифоқ ва мухтор жумҳуриятлар маданият идораларини жалб этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Комиссияга тадбирларни ишлаб чиқишда беҳаёликни тарғиб қилиб бойлик орттиришга қарши курашга ва ижтимоий маънавиятни ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқ ҳужжатларини, бошқа мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ҳисобга олиш тавсия қилинди.

Қаҳрамонлик унвони муборак бўлсин

МОСКВАДАН хушхабар келди. ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг ўзбек ҳужжатли киносининг отахони, ёш ижодкорларнинг севимли устози ва раҳбари Малик Қаюмовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги фармони чиқди. Жумҳуриятимизда ўтган 70 йилдан ортиқ давр тарихини саҳифама-саҳифа варақлай оладиган ва ўзи гувоҳ бўла оладиган Малик акадай одам Ўзбекистонда бўлмаса керак. Юртимизда у кишининг оёғи тегмаган жой йўқ. Малик ака ёши улуғ бўлса ҳам ҳали бардам-тетик. Унинг фикрўйида янги режалар бор.

Биз ёш журналистлар устоз санъаткор Малик Қаюмовни юксак мукофот билан қизғин қутлаймиз ва ишларида муваффақият, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Жангчилар билан учрашув

Қўрғонтепа ноҳиясининг делегацияси Латвия жумҳурияти ва Воронеж вилоятида хизмат қилаётган ўзбекистонлик жангчилар ҳузурида меҳмон бўлди. Делегация таркибида совет ва комсомол ходимлари, депутатлар, аскарларнинг ота-оналари бор эди.

— Биз юртдошларимизга ёмон муносабатда бўлинаётганлиги тўғрисида тарқатилаётган миш-мишларнинг ёлғонлигига ишонишни хоҳлардик, — дейди ноҳия комсомол қўмитасининг ходими Имомназар Азизов. — Биз бутун ҳафта давомида қисмларда аскарлар, сержантлар ва уларнинг командирлари билан учрашдик. Бирон ерда юртдошларимизга нисбатан салбий муносабатда бўлиш ҳолларини учратмадик. Улар мамлакатимиз барча жумҳуриятларидан келган йигитлар билан аҳил яшаб, хизмат қилишмоқда.

Қисмларнинг бирида Қўрғонтепа ноҳиясидан борган 35 жангчи хизмат қилмоқда. Қисмда ҳамма шарт шароит яратилган, ҳар бир кишининг хавфсизлиги таъминланган. Ўзбекистондан борган кишилар уйга қайтгач, уларга миллий мусиқа асбоблари, ўзбек тилида китоблар ва ойномалар жўнатишга қарор қилишди.

Лўлилар норозилиги

Сизран шаҳрида вино-арақ сотадиган иккита тижорат дўконининг пайдо бўлиши лўли миллатига мансуб кишиларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Куйбишев вилояти «Волжская коммуна» рўзномасининг хабар қилишича, шаҳар ижроия қўмитасига кириб келган лўлилар делегацияси куппа-кундуз куни «халқни талаётган» дўконларни тезда ёпиб қўйишни талаб қилган. Маълум бўлишича, лўлилар бекорга безовта бўлишмаётган экан. Аниқланишича, улар илгари бу ерда спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилганликлари учун тез-тез қўлга тушиб туришар экан. Тижорат дўконлари очилиши билан чайқовчиларнинг бир шиша арақдан оладиган фойдаси беш сўм камайиб кетибди.

Мақбара тикланмоқда

Туркия ўрта асрда яшаган шоир-воиз Аҳмад Яссавийнинг Туркистон шаҳридаги мақбарасини таъмирлашда моддий ва техникавий ёрдам кўрсатади. Олмаота шаҳрида лойиҳани рўёбга чиқариш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида Қозоғистон билан мазкур мамлакат ўртасида битим имзоланди.

— Бизни совет Ўрта Осиёси халқлари билан муштарак этник ва диний ришталар боғлаб туради, — деди Туркия маданият вазири Номиқ Камол Зейбек. — Бизнинг бу ёрдамимиз — маънавий бурчимизгина эмас, айни вақтда меъморчиликнинг дурдонаси — Яссавий мақбарасини қайта тиклашда Туркиянинг қўшган тарихий-маданий ҳиссаси бўлади.

Сўфизм асосчиларидан бири бўлган Аҳмад Яссавий XII асрда Туркистонда Ислом динини тарғиб қилиш билан шуғулланди. Орадан икки аср ўтгач, афсонавий Амир Темур унинг қабри устига Ўрта Осиёда энг катта гумбазли улуғвор мақбара қурди. Ўша вақтдан бери биноларнинг айрим қисмлари мустаҳкамланди, таъмирлаш ишлари олиб борилди, бироқ мақбаранинг аҳволидан мутахассислар ҳалигача хавотирланишмоқда.

Туркияда махсус жамғарма ташкил этилмоқда. Унга ҳукумат идоралари ҳам, айрим фирмалар, одамлар ҳам маблағ ўтказишга тайёр туришибди. Москва шаҳридаги Петровск Тимини яқинда муваффақият билан таъмирлаб бўлган «Энка» қурилиш фирмаси бош пудратчи бўлади. Ҳамма ишни тўрт йил ичида ниҳоясига етказиш режалаштирилган.

Эътибордан четда қолмайди

70 нафар пенсионер «Маърака» комплексининг ошхонасида меҳр-мурувват ва саломатлик жумҳурият ҳамда вилоят жамғармалари ҳисобидан тушлик қилди. Уларга, шунингдек, пул, чопонлар, кийимлик газлама, тақчил озиқ-овқат моллари совға қилинди.

— Бундан кейин шунга ўхшаш учрашувларни муттасил ўтказиб турамиз, — деди Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Р. Сатторова, — Ёрдамга муҳтож бирор киши эътибордан четда қолмайди. Йил бошидан бери хайрия тадбирлари учун ҳозирдаёқ 52 минг сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

«Саховат» ёрдам беради

Наманганда хайрия ошхонаси очилди. Уни ташкил этишда Ўрта Осиё темир йўли Наманган бўлими ишчи таъминоти бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати П. Саидазимов ташаббускор бўлди. Депутатнинг сайловолди ҳаракат дастури асосий бандларидан бирида ёлғиз қолган кексаларга, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларига ғамхўрлик қилиш ёзиб қўйилган эди. Депутат ўз сўзининг устидан чиқди.

«Саховат» номини олган ошхона шаҳарнинг еттита маҳалласида яшайдиган пенсионерларга хизмат қилади. Ошхонага кела олмайдиганларнинг уйларига масаллиқлар етказиб берилади.

Сарф-харажатлар ишчи таъминоти бўлимининг фойдаси ҳисобидан қопланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, «Саховат»га кетадиган харажатлар 18 минг сўмга тушади — буни қоплашга ишчи таъминоти бўлимининг қурби етади, албатта.

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз!

Эл нетиб топгай мениким,
мен ўзимни топмасам.

Алишер НАВОИЙ.

Аввал феълингизни ўзгартиринг

БУНДАН бир неча йил муқаддам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида «Тилга эътибор — элга эътибор» деган янги ойнасўз остида камининанинг «Тил — халқ қалби» мақоласи босилган эди. Шундан кейин тил муаммоси билан боғлиқ баҳс-мунозаралар қизиб кетди. Одамларнинг миллий ўзлигини англаши, ижтимоий фаоллиги ана шу муаммоларга муносабатда янада яққолроқ кўрина бошлади.

Эсимда, ўша мақола юзасидан келган сон-саноқсиз хатларни ўқиб, тўғриси, кўзларимдан ёш чиқиб кетувди. Тилимизнинг аянчли аҳволи ва тақдири ҳақида баҳоли қудрат — куйиниб айтилган мулоҳазалар одамларнинг кўнглида қат-қат йиғилиб қолган дард-армонларни бу қадар жунбушга келтиради, деб ўйламагандим. Айни чоғда, мақолани ўқиган юксак доирадаги айрим «ўта ҳушёр» кимсалар андак сергак тортишди. Уларнинг айтишича, мақолада байналмилаллик билан миллийлик ўртасидаги мутаносиблик бузилган эмиш! Қизиқ, гўё бундай мутаносибликнинг аниқ арифметик ўлчови бордай! Ҳай, майли, булар ўтиб кетди, муҳими...

Муҳими — халқ уйғонаётган (афсуски, уйғонди дейишга ҳали эрта) эди! Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши талаб қилинган кўпмингкишилик намойишлар, митинглар бўлиб ўтди. Пойтахтдаги марказий майдонда, Навоий ҳайкали пойида бўлган шундай йиғилишларни тарихий воқеа бўлди, дегим келади.

Ниҳоят, инқилобнинг 72-йилида ўзбек халқи ўз юртида «мустақил» саналмиш ўз жумҳуриятида ўз тилига давлат тили мақоми беришига эришди!..

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ва жумҳуриятимизда сон-саноқсиз қонунлар, турли қарорлар қабул қилинди. Аммо уларнинг ижроси суст бажарилаяпти. Кўз олдимизда содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий, маънавий инқироз эса тобора кучайгандан кучайиб бормоқда. Оч қорнига танбур навоси ҳам ёқмагандек, кескин зиддиятлар, тангликлар олдида тил муаммоси арзимас нарсадек туюлиши мумкин. Аслида-чи?! Охир-оқибат энди фақат «қоринга эмас, қадрга ҳам йиғлаш» фурсати келмадимикан?..

Тил ҳақидаги Қонун қабул қилингандан сўнг кўпчиликнинг хаёлида «Энди буёғи ўзимизга боғлиқ!» деган фикр ўтган бўлса ажаб эмас. Аммо «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога!» деганларидек, ношудлигимиз, манқуртлигимиз шу даражадаки, ана ўша ўзимизга боғлиқ муаммоларни ҳам кўнгилдагидек ҳал қилолмаяпмиз. Қонун кучга кирганига ҳам мана бир йил бўлди. Тўғри, мана шу ўтган давр мобайнида мутлақо ҳеч қандай иш қилинмади дейиш нотўғри бўлур эди. Бироқ масалага кенгроқ, теранроқ қарайдиган бўлсак, давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиш жараёнидан қониқиш ҳосил қилиш қийин, албатта. Мен бу ўринда ҳамон кўчакўйларда, идора ва муассасаларнинг пештоқларида осилиб турган русча ёзувларни, айрим жойларда давлат тилига беписанд муносабатда бўлинаётгани каби ҳар қадамда кўзга ташланадиган ва энди илгаридан ҳам баттар ҳамиятимизга тегадиган кўнгилсизликларнигина назарда тутаётганим йўқ...

Қонуннинг 4-, 7-, 8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари 3 йил давомида амал қила бошлаши лойиҳа муҳокамага қўйилган пайтидаёқ ҳақли равишда жиддий ва асосли эътирозларга сабаб бўлгани ёдимизда. Ана шу ташвишларнинг бежиз эмаслигини мана энди ҳаёт кўрсатмоқда. Қонуннинг бажарилишига тўғаноқ бўлаётганлар, ўзбек тилига ҳамон паст назар билан қараётганлар ана шу моддаларни қалқон қилиб олмоқдалар: «Ҳали вақт бор, бошимизни қотирманг!»...

ЯҚИНДА тиббиёт олий билимгоҳидан бирида бўлиб ўтган олимлар кенгашида қатнашишга тўғри келди. Йиғилишда давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қандай бажарилаётгани ҳам муҳокама қилинди. Кенгаш иштирокчиларининг етмиш фоизи маҳаллий миллат вакиллари — ўзбеклар бўлишига қарамай, мажлис асосан рус тилида олиб борилди. Проректорнинг тил ҳақидаги маърузаси, ҳарқалай, ўзбекча бўлди. Аммо минбарларда, хизмат юзасидан бўладиган мулоқотларда асосан ўзбекча-русча гапириб ўрганган профессор она тилида қийналиброқ сўзлади, буни ўзи ҳам очиқ эътироф этди. Маъруза тугагач, кутилмаганда бир рус аёли (профессор-ўқитувчилардан бўлса керак) проректорга залдан туриб шундай эътироз билдирди: «Мен 60 йилдан буён Ўзбекистонда яшайман, ҳеч ким мени миллатчиликда айблай олмайди. Лекин нега сиз мени ҳурмат қилмайсиз, нега мен тушунадиган тилда гапирмайсиз? Олдинги қаторда ўтирган домлалардан бири шартта ўрнидан туриб, аёлга танбеҳ берди: «60 йилдан буён Ўзбекистонда яшар экансиз нега ўзбек тилини билмайсиз? Ахир бу даврда ўзбек тилини мукаммал ўрганиб олишингиз мумкин эди-ку!»

Яна бошқа бир домла ҳам уни қувватлади.

Кейин проректорга саволлар берилди: олий билимгоҳда давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилишидан шахсан ўзингиз қаноат ҳосил қила оласизми? Нега мажлис асосан рус тилида олиб борилмоқда? Нега олий билимгоҳ рўзномасининг ўзбек тилида чиқадиган саҳифаларига яхши эътибор берилмаяпти?

Афсуски, саволларга жавоблар юзаки бўлди. Шундан кейин «томошанинг каттаси» бошланди. Кексароқ бир домла сўзга чиқиб, ўзбек тилида дарс ўтадиган домлалар етишмаётгани, ўзбек муаллимларини ўз тилида ўқитишга кўндириш қийин бўлаётганини айтиб туриб ,айрим сўз ва атамаларни ўзбекчага деярли таржима қилиб бўлмаслигини таъкидлади, ўзи билиб-билмай ўзбек тилининг бойлиги ва қудратига шак келтирди, уни камситди. Яна бошқа бир домла сўзга чиқиб (ҳамма тушунсин, дея русча гапирди. Ўзи ўзбек эди), бу ишда шошилиш керак эмас, чунки тиббиёт байналмилалдир, атамалари ҳам интернационал, ҳамма тушунади, шундай экан, дарсларни ўзбекча ўтасан дея кўпам мажбурлайвермайлик, қўйиб берайлик, ким қайси тилда ўтса ўтаверсин, дея кўпчиликни чалғитишга уринди.

Хуллас, энсани қотирадиган гаплар кўп бўлди. Негадир энди ҳеч ким миқ этиб эътироз ҳам билдирмасди...

Ногоҳ хаёлимга ўтган йили Грузияга қилган сафарим келди. Ўшанда таниқли кардиолог олим Амиран Нодарая билан Тбилисидаги поликлиникалардан бирида бўлган эдик. У ерда иш юритиш, ўзаро мулоқотлар грузин тилида эканлигини кўриб, ҳайратланувдим. Айниқса, грузин грузин билан ҳеч қачон бегона тилда гаплашмаслиги, бошқа миллат вакилларининг грузин тилида эркин сўзлашлари ҳавасимни келтирувди. Бизда эса...

Қизиқ, мабодо ўша дўстим А. Нодарая бир зум мана шу йиғилишда бўлиб, бу можароларга гувоҳ бўлса, биз ҳақимизда қандай фикрга борар-кин?.. Шуларни ўйларканман, бирдан руҳим тушиб кетди. Беихтиёр Чингиз Айтматовнинг манқурт ҳақидаги ўша машҳур афсонаси, ўз тилини рад этиб, камситувчи миллий нигилистлар ҳақида куйиниб айтган гапларини эсладим.

Ажабо, ахир тилимиз ҳар жиҳатдан камситилиб, қўлланиш доираси чекланиб қолганда унинг Қонун йўли билан муҳофаза этилишини орзу қилмаганмидик?! Мана, ниҳоят ўша Қонун қабул қилинди! Хўш, бизга яна нима керак?! Қонунни амалга оширишга нималар тўсқинлик қилмоқда?

Менимча, энг асосий тўсиқ — ғов — ўзимиз! Чамаси, биз тил ҳақидаги Қонуннинг моҳиятини, маданий-маиший ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳали-ҳамон тўла-тўкис англаб, юракдан ҳис қилолганимиз йўқ. Турмуш ва тафаккур тарзимиздаги эскича фикрлаш, қўрқув, лоқайдлик иллати қон-қонимизга сингиб кетган. Бу иллатлардан қутулолмас эканмиз, фақат тил борасидагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам тараққиёт ва рўшнолик бўлиши қийин.

Кўнглида ўз тилига муҳаббат — ихлос бўлмаган манқуртларни қайта тарбиялаб бўлармикан? Бундай кимсалар одатда ўз она тилини чала-чулпа билишади ёки мутлақо билишмайди, билишса ҳам мулоқотда бошқа тилни афзал кўради, рус тилида эса бирмунча бурро сўзлаши (илгари раҳбарликка тайинлашда ҳисобга олинадиган муҳим омил) мумкин. Мундоқ қараганда, уларнинг бундан бошқа «фазилати» ҳам йўқ ўзи. Таассуфки, оилада ҳам ана шу тилда мулоқот қилинади, демак, болачақага ҳам ана шу тарбия йўсини сингдирилади. Демак, улар ҳар бир инсоннинг онгу шуурига, қон-қонига энг аввало она тили орқали сингиши лозим бўлган миллий руҳ, маданий-маънавий қадриятлардан бебаҳра қолаверишади. Бу бўшлиқнинг ўрнини «тил билгичлик» туфайли эришилган мавқе-имтиёзлар эгаллайди. Эришилган нарсадан, кўникилган турмуш тарзидан воз кечиш эса осон эмас... Энди ўйлаб кўринг, ана шундай кимсаларни ўз она тилининг давлат тили бўлишига хайрихоҳ деб айта оламизми?

Таниқли академикларимиздан бири ойнаи жаҳонда сўзга чиқиб, айрим жойларда давлат тилига ўтиш сунъий равишда тезлатилмоқда, бу нарса қардошларимизни ранжитиб қўйиши мумкин, дея хавотирланди. Қизиқ, ахир жойларда бу жараённинг тескариси, яъни давлат тилига ўтишнинг пайсалга солинаётгани кузатилмоқда-ку!..

Хўш, энди адолат юзасидан ўйлаб кўрайлик, ана ўша қардошларимизнинг давлат тили ҳақидаги Қонунга муносабатлари қандай? Албатта, улар бу Қонунни қучоқ очиб кутиб олдилар, ўзбек тилини жондиллари билан ўрганмоқдалар дейиш қийин. Бундай муносабат учун фақатгина уларнинг ўзларинигина айблаш балки тўғри бўлмас. Иллатнинг илдизи чуқур. Ахир йиллар давомида камситилиб, чеклаб келинган ўзбек тилининг истиқболига айрим ўзбекларнинг ўзларини шак келтира бошлаган экан, ўзгалардан нимани ҳам кутиш мумкин? Аммо бу нарса тилимизни ўрганмаслик, унга паст назар билан қараш учун асос бўлолмайди, албатта. Қарс икки қўлдан, байналмилаллик ҳам икки ёқлама бўлмоғи лозим. Шундай экан, юртимизни ўзларига иккинчи Ватан — маскан сифатида ихтиёр этган қардошларимиз ўзларини бизнинг ўрнимизга қўйиб кўришларини, қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизга ҳурмат-эҳтиром билан қарашларини исташимиз табиий, албатта. Ана шунда биз ҳам уларга ёрдам қўлини чўзажакмиз.

Афсуски, сувни лойқалатувчилар, қош қўяман деб кўз чиқарувчилар ҳам топилмоқда. А. Кружилин марказий матбуотда ўзбек тили ҳақидаги Қонун ҳаётга шундай татбиқ этилмоқдаки, натижада ўн минглаб одамларнинг жумҳуриятдан кетишига сабаб бўлаётир, улар бу Қонунни эмиграция ҳақидаги қонун деб атамоқдалар, деб ёзади. («Литературная газета» 1990, № 39) Далил-исботсиз, чуқур ўйланмай, бир ёқлама айтилган бу фикр) гўё муаллиф ўша ўн минглаб кетган одамларнинг ҳар бири билан шахсан мулоқотда бўлгандай: ахир жўнаб кетишнинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин-ку?! Қуп-қуруқ туҳмат ва давлат тили ҳақидаги Қонунга ҳурматсизликдир.

Кўриняптики, мазкур Қонун фақат лисоний масала эмас, балки сиёсий-маърифий, миллий ва иқтисодий муаммолар билан ҳам чамбарчас боғлиқ масалалар. Миллий ўзлигимизни англаш сари дадил қадам бўлган бу Қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида баҳоли қудрат улуш қўшиш жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи ҳар бир имони бутун фуқаронинг виждоний бурчидир.

Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилингач, ўзбек тилига муносабат ўзгарди, жойларда маълум ишлар қилинмоқда-ку, шундай экан, айрим камчилик-нуқсонларни бўрттириб кўрсатиш шартми, дея мулоҳазага борувчилар топилиши мумкин. Уларга Н. Добролюбовнинг худди ҳозирги кунимиз учун айтилгандек туюлувчи мана бу сўзлари билан жавоб берган бўлардим: «Яқин-яқинларда ҳам ватанпарварлик Ватандаги барча нарсаларни мадҳ этишдан иборат эди. Ватанпарвар бўлмоқ учун ҳали бизда мавжуд бўлган бемаъниликларни аёвсиз фош қилиш ва бартараф этишни ҳам қўшиш керак».

Қуръони каримдаги оятлардан бирида сиз феълингизни ўзгартирмагунингизча мен тақдирингизни ўзгартирмайман, деган муқаддас калима бор. Демак, рўшноликка чиқиш учун аввало феъл-атворимизни ўзгартиришимиз лозим.


Шодмонбек ОТАБОЕВ.

Хориждан хабарлар

ҚОРАДОРИФУРУШЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Сешанба куни Эрон ғарбидаги Бахтарон шаҳрида яширин равишда қорадорифурушлик билан шуғулланган 27 киши қатл этилди. Эрон матбуотининг хабар беришига қараганда, жиноятчилар мамлакатга кўп миқдорда героин ва қорадори олиб келишда айбдордирлар. Шанба куни яна тўрт нафар қорадорифуруш Теҳрон яқинидаги Караж шаҳрида Ислом ҳукми билан одамларнинг кўз ўнгида осиб ўлдирилди.

1989 йилнинг январида қорадорилар билан савдо қилганлик учун жуда қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган қонунлар қабул қилинганидан сўнг Эронда 1300 дан кўпроқ қорадорифуруш қатл этилди. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда қорадори истеъмол қилишга ружу қўйган бир миллионга яқин киши бор. Бир неча ўн минг банги иқлим шароитлари оғир бўлган ерларда жойлашган меҳнат лагерларига «тузатиш учун» жўнатилди.



Ҳозир замон бўлакча. Одамларнинг ҳайрати ўлиб бўлди. Бировни қойил қолдиролмайсиз. Мана бу суратдаги учувчи мосламани балки 50 йиллар олдин кўрганингизда юрагингиз...

Буям ўзига хос ихтиро. Уни 32 ёшли япон фуқароси Тосихиса Мисима яратди. Соатига 40 чақирим тезликда учади.

(КИОДО — ТАСС сурати).

ЁРДАМ КЕНГАЙМОҚДА

● БРЮССЕЛЬ Бу ерда Европа ҳамжамиятлари кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Ташқи ишлар вазирлари иштирокида ўтган сессиянинг кун тартибида Совет Иттифоқига ёрдам бериш масалалари асосий бандлардан бири эди. Европа ҳамжамиятлари (ЕҲ)га аъзо бўлган ўн икки мамлакат ташқи ишлар маҳкамаларининг бошлиқлари ЕҲ комиссиясининг раиси Жак Делорнинг ССЖИдаги ислоҳотларнинг бориши ва совет иқтисодиётининг ҳолати тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Совет Иттифоқидаги қайта қуриш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва бу йўлда амалий ёрдам бериш ҳақида якдиллик билан фикр билдирилди. Таклиф этилган дастур тўрт соҳада ҳаракат қилишни кўзда тутади. Озиқ-овқат билан ёрдам бериш, шунингдек, чет эллардан маҳсулот сотиб олиш учун қарз бериб туриш, ССЖИдаги тўлов балансини қўллаб-қувватлаш чоралари, сўмни бемалол айирбошланадиган қилишга кўмаклашиш, ЕҲ билан янада кенгроқ савдо битимини ишлаб чиқиш шу жумлага киради.

Бельгия ташқи ишлар вазири Марк Эйскенс сессияни якунлаб шуни маълум қилдики, ўн икки мамлакат вакиллари қиш охиригача ССЖИга 1—2 миллиард долларлик ҳажмда озиқ-овқат билан ёрдам беришни таклиф этмоқдалар. Бунда мазкур ёрдамни самарали равишда элтиб беришга алоҳида эътиборни қаратиш режалаштирилмоқда.

● ЛОНДОН. Совет Иттифоқи озиқ-овқат етишмаслигидан эмас, балки таъминот системаси издан чиққанидан қийинчиликка дуч келмоқда, деди сешанба куни Буюк Британия ташқи ишлар вазири Д. Хэрд.

У Би-Би-Си радиосининг мухбири билан суҳбатда ССЖИда етарли озиқ-овқат жамғармалари бўлса ҳам, аммо уларни дўконларнинг пештахталарига етказиб бериш муаммо бўлиб турибди, деди. Ғарбдан озиқ-овқат юборилиши дўконларда озиқ-овқат етишмаслигининг асосий сабаби бўлмиш транспорт муаммосини баттар мушкуллаштириши мумкин, деб огоҳлантирди вазир.

● ВЕНА. Совет Иттифоқига озиқ-овқат билан ёрдам беришга алоқадор масалалар Австрия вазирлар Кенгашида муҳокама қилинди. Жумҳурият ҳукумати шу мақсад учун 100 миллион шиллинг ажратди.

Маҳсулотларни бевосита ССЖИда тақсимлаш билан Австриянинг машҳур «Каритас» хайрия ташкилоти ва Қизил крест совет муассасалари билан яқин ҳамкорликда шуғулланадилар, деб тахмин қилинмоқда.

● БЕРН. «Швейцария ҳукумати совет халқига анчагина ёрдам беришга тайёр» деди бу ерда Швейцария ташқи ишлар маҳкамасининг бошлиғи Р. Фельбер. Шу кунларда, деди у, Швейцариядан дастлабки 40 тонна дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрада ССЖИга жўнатилади. Келгуси йилнинг январида ССЖИга ёрдам тариқасида Швейцариядан яна 300—370 тонна мол юбориш режалаштирилмоқда.

● БОНН. Қуйи Саксония ўлкасининг ҳукумати совет томонига 1 миллион марка пул беришга қарор қилди. Пул ўлка бюджетидан ажратиб берилади ва Чернобиль атом электр станциясидаги авариядан энг кўп азият чеккан минтақаларга мўлжалланади.

Немис касаба уюшмалари бирлашмаси Совет Иттифоқига бир миллион марка миқдорида пул бермоқчи эканини эълон қилди. Бу ёрдам ССЖИдаги ислоҳотларнинг муваффақиятига кўмаклашмоғи лозим, деб таъкидланади бирлашманинг даъватномасида.

(ТАСС).

ФОЙДАЛИ БЎЛИШИ МУМКИН

БЕРЛИН. (ТАСС). Кимда-ким 2 декабрь куни Бундестагга бўлган Умумгерман сайловидан сўнг унда қатнашган партиялар сайловолди кампаниясини ўтказиш учун жуда катта сарф-харажатлар қилинганлиги туфайли оғир аҳволга тушиб қолди деб ўйласа, қаттиқ янглашади. Чунончи, ГФЖда амал қилаётган сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ овоз бериш чоғида сайловчиларнинг камида 0,5 фоиз овозини олган ҳар қандай партия унинг учун берилган сайлов бюллетенлари сонига мувофиқ равишда қилинган харажатлар учун давлат хазинасидан товон олади. Бу нарса, амалда бирлашган Германияда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 59,9 миллион солиқ тўловчининг ҳар бири чўнтагидан партия кассаларига 5 маркадан пул ўтказилганлигини билдиради, деб ёзади АДН агентлиги.

Юзаки қараганда, бу унча катта пул эмас, лекин мамлакат миқёсида бундай иш тутиш натижасида партиялар, айниқса, Бундестагга ўтишга муваффақ бўлган партиялар учун катта фойдага айланади. Чунончи ҳозирги сайловда катта ғалаба қозонган христиан-демократлар иттифоқи ўзига берилган овозларнигина ҳисобга олганда товон сифатида 85,3 миллион марка олади. Ана шу партия берган маълумотларга қараганда, у сайлов кампаниясини ўтказишга қарийб 40 миллион марка сарфлаган эди.

ФАН, МАКТАБ ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

Уволи тутгани шу эмасми?

Рўзномалар, ойномалар баҳосининг ошганлигига қоғоз етишмаётганлигини сабаб қилишмоқда. Эҳтимол, қоғоз етишмаётганлиги ростдир. Аммо бунга ўзимиз ҳам сабабчи эмасмизми? Рўзнома, ойномаларни ўқиб бўлгач, уларни ташлаб юборамиз ё ёқамиз. Пул-буюм лотереяларини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Ютуқ тиражи эълон қилингандан кейин атрофни бирам қоғоз парчалари босиб кетадики... Фаррошлар бу қоғоз уюмларини ёқиб қутилишади. Мана шу эмасми, қоғознинг уволи тутгани? Яқин йилларда мактаб ўқувчилари қоғоз парчалари йиғишдек хайрли иш билан шуғулланишарди. Афсус, бу иш ҳам қолиб кетди. Нега? Йиғиб келинган қоғоз парчалари ўз вақтида олиб кетилмади. Боз устига, қоғоз топширган шахс бирор манфаат кўрмади.

Балки нашрларнинг баҳоси ошганлиги бундай исрофгарчиликка чек қўяр.

М. АСРАНОВ,

Наманган вилояти, Учқўрғон ноҳияси, Ленин номли давлат хўжалиги.

Муносабат бир хил бўлсин

Кейинги пайтларда ўқувчилар учун кийим-кечак, дафтар-қалам ва шунга ўхшаш зарур ўқув қуролларини топиш азобга айланди. Шаҳарлик ўқувчилар-ку, озми-кўпми савдо ярмаркасидан баҳраманд. Ота-онаси ишдан қайтгандан кейин болаларини эргаштириб, дўкон айланиши мумкин. Қишлоқда-чи? Бунинг учун шаҳарга бориш зарур. Ишчи ёки деҳқон фарзандини шаҳарга олиб тушиш учун бир кун ишдан қолишга тўғри келади. Ўша куни излаган нарсасини тополса хўпу хўп. Тополмаса яна дилхиралик. Иккинчидан, автобус бўлсагина шаҳарга бориб бўлади. Транспорт қатнови эса...

Шунинг учун чекка қишлоқлар аҳолиси учун кўчма автодўконлар ташкил этилса ва савдо йўлга қўйилса, бўлмайдими? Қачонгача сарсон бўлиб юрамиз?

Х. КАРИМОВ,

Қашқадарё вилояти, Чироқчи ноҳияси. Қишлоқ шўроси халқ депутати.

Тил ўрганишга—ярим соат

Ойнаи жаҳонда «Ўзбек тилини ўрганамиз» кўрсатуви узлуксиз бериб борилмоқда. Бунинг нима кераги бор? Ахир бу билан ўзбекларнинг шахсиятига тегилмаяптими? Ярим соатлик кўрсатув орқали тил ўрганиб бўладими?

З. КАРИМОВА,

Фарғона вилояти, Ўзбекистон ноҳиясидаги 15-ўрта мактаб ўқувчиси.

* * *

Бўлим муштарийлардан ўтган ойлар ичида мингдан ошиқ мактуб олди. Бу мактубларнинг айримлари рўзнома саҳифасида чоп этилди. Баъзиларида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинди. Таклифлар 1991 йил фаолиятида эътиборга олинади. Хуллас, бизга мактуб йўллаган барча муштарийларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Жумҳурият кашшофларининг XV слёти бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан ошди. Унда қабул қилинган жумҳурият кашшофлар ташкилотининг Устави жойларда кенг муҳокама қилинмоқда. Кашшофлар ташкилоти ҳаракати, иш юритиш шакли Устав асосида олиб борилишига эътибор берилаётир.

Шеробод ноҳиясидаги 38-мактаб кашшофлари ҳам слёт ишини фаол кузатиб бордилар. Унда айтилган фикр ва мулоҳазаларни бўлажак ишларга асос қилиб олиш ниятидалар.

— Кашшофлар ишида анча чигалликлар бор, — дейди 38-мактаб кашшофларининг бош етакчиси Шарофат Воҳидова. — Слёт албатта, ишимизда бир мунча ўзгариш ясайди. Шу боисдан ҳам, қолаверса мактабда кашшофлар ишини яхши йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг Тошкентдаги Ёшлар олий билимгоҳида малака ошириб қайтиш ниятида ноҳия комсомол қўмитасига мурожаат этган эдим.

Ҳа, мутасаддилар таклифни инобатга олишди. Ҳозир жумҳуриятимизнинг кашшофлар иши жонкуярларидан бир гуруҳи (улар орасида Шарофат ҳам бор) ёшлар олий билимгоҳида таҳсил олмоқдалар.

СУРАТДА: 38-мактаб кашшофларининг бош етакчиси Шарофат Воҳидова ўз ўқувчилари билан.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭЛЕКТРОН «ПОЛИЦИЯЧИЛАР»

● СИНГАПУРНИНГ марказий кўчаларида электрон «полициячи»лар пайдо бўлиб қолди. Бу электрон тулумларга полиция кийими кийдирилган бўлиб, улар маълумотлар бюроси қиладиган ишни бажаришади.

«Полициячи»ларнинг кийимида 2 қатор тугма бўлиб, тугмаларга «ресторан», «музей», «кинотеатр», «тайёрагоҳ» ва бошқа шаҳарнинг диққатга сазовор жой номлари ёзиб қўйилган.

Бундан ташқари, унинг чўнтак қопқоғида 4 та тугмача бор.

Электрон «полициячи»нинг аломат томони шундаки, саёҳатчи шу тугмалардан кераклигини босса, яъни масалан, «ресторан» ёзувли тугма билан чўнтак қопқоғидаги «инглизча» ёки «хитойча» ёзувли тугмачани босса бас, ресторанлар шаҳарнинг қаерида жойлашганлиги ҳақида ва бошқа маълумотларни керакли тилда тушунтириб беради.

Бу хилдаги «полициячи»лар инглиз, хитой, япон ёки малайзия тилида бемалол сўзлай олади, деб ёзади «Вельт ам зонтаг» рўзномаси.

ТОКИО БИРИНЧИ ЎРИНДА

● КУНДАЛИК эҳтиёж молларига ва озиқ-овқатга энг юқори нарх Токиода тўланаркан. У ерда 150 турдаги кундалик эҳтиёж моллари бошқа шаҳардагига қараганда қиммат баҳоланади. «Баланд нархли шаҳарлар» рўйхатига иккинчи бўлиб, яна Япониянинг Осака шаҳри тиркалган.

Европа шаҳарлари орасида қимматчилик Норвегиянинг Осло шаҳрида экан. Ундан сўнг Цюрих, Женева, Париж, Лондон ва Рим «сардорлик» қилмоқда.

БОЛАЛАР ЎРНАТГАН РЕКОРДЛАР

● ДАНИЯДА болалар ўрнатган рекордлар жамланган махсус китоб нашр этилди. Мана ўша рекордлардан айримлари:

Ўн ёшли Марианна Брамер 1.203.315 та бўш консерва банкасини йиққан. Уларнинг умумий оғирлиги 2 ярим тоннани ташкил этган. У бу банкаларни металломга топширган.

* * *

Копенгагеннинг одатдаги автобусларидан бирига 225 нафар бола сиғишган.

МАНЗИЛИНГ ҚАЙДА, ДЎСТИМ?

Талаба дўстим. ўйлаб кўрдингми, нималарни ўрганяпмиз? Ҳамма нарса чалкашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетган замонда илмни ёддан чиқармадикми? Талабалар талқинида умр кўряпмизми? Боболар замонидаги илм толиблари билан ҳозирги талабалар ўртасида не фарқ бор? Биз нима учун ўқияпмиз? Қорнимиз тўқ юришини кўзлабми? Одамзоднинг қорни тўқ, усти бут яшаб оламдан ўтишдан ўзга қиладиган иши, ўйлайдиган ўйи, орзулари, маслаги йўқмикан? Боболаримиз нега руҳлар, охират ҳақида ўйлашган, нега худонинг висолига етишга интилганлар? Бу ҳаракатлар замирида не маънолар пинҳон?

Хўш, биз бундан кейин қандай яшамоғимиз лозим? Жисмимиз майл билдирган ишни бажарсак, руҳимиз-чи? Руҳ барҳаёт эмасми? Жисмоний ҳаёт билан маънавий олам бирга яшамайдими? Маънавиятимизни гўзал, боболаримиз руҳини шод қилиш учун нималар қилмоғимиз керак? Шаҳвоний ҳирсни қондиришни ўйлаб ташланган қадамнинг ёки зўравонликла ҳаёт кечирмоқликнинг ниҳояси борлиги ва бу нарсаларга бўлар-бўлмасга интилавериш инсон ҳаётининг моҳиятига зидлигини тушуниб етишга наҳотки қурбимиз етмайди? Ёки дунё зўравонлугу ноҳақликлардан иборат экан, дея тушкун ҳолда юраверамизми?..

Масалан сиз, муҳандислар куллиётида таҳсил оляпсиз-а? Наҳотки мурват ясайдиган янги бир ускуна яратгач ОЛИМ деган унвонга эга бўлиб, маошингизни ошириш, машина олиш, тўқ яшашни ҳаётнинг моҳияти деб тушунсангиз? «Қандай пайдо бўлдик? Нега яшаяпмиз? Қаерга кетамиз»,— деган дунёнинг туганмас саволлари сизни қийнамайдими ҳеч? Ёки темирлар қалашмасидан иборат ускунангиз шу саволларга жавоб бера оладими? Тараққиётни инкор этаётганим йўқ, лекин нафс ғамида яшаб руҳимизни азобга қўйиб, қалбсиз темир ускунага айланиб кетмаяпмизми?

Уруш-жанжаллар, миллатлар ўртасида тўкилган қонлар ниманинг натижаси? Сиёсатнинг дейсизми? Ҳойнаҳой қоғоздаги социализм ёхуд сталинизм маҳсули деб ўйлаётгандирсиз? Аслида — «изм» қўшимчаси қўшиб номланмаган жамиятда яшаса бўлмайдими ёки «жамият» қурмасдан яшаса ҳам бўлар?

Хўп, дунёвий саволлардан ҳоли бўлиб, яна шу кун талқини—инсон ташвишига қайтсак, нима дейсиз? Талаба дўстим, сиз нимани, қандай фанлар-у касбларни ўрганиб ва ундан қандай маънавий озуқа олиб яшамоқчисиз? Ҳар ҳолда талабалик йилларим деб дорилфунунда беш йиллик ўқишни назарда тутмассиз? Ахир, инсон умрбод талаба бўлиб яшамайдими? Ўқишдан сўнг, 3 йилда номзод ва 5 йилда етук олим бўлдим, дейиш билан кифояланиш ҳақиқатга зид эмасми?

Ўқув режаларимизнинг биринчи поғонасида сиёсий тарих (КПСС тарихи), диалектик материализм сингари бир ёқлама фалсафани ўқиб кимнинг қониққанини кўргансиз? Бу даргоҳнинг битирувчилари бир-бирига ўхшаш ишланган, нимани буюрса бажарадиган роботлар ишлаб чиқараётганга ўхшамайдими? Дунё фалсафасини ўқисак, ранг-баранг қарашдаги турли кашфиётлар қилган бўлмаймизми? Боболаримиз ҳаёти, дин ва алифбосини ўрганишга имкон бермай, бизни нуқта билан бошқариладиган ҳиссиз аппаратга айлантирганликлари учун ким жавоб беради?!

Ҳозир нега ака-укани, икки миллат бир-бирини пичоқлаяпти? Отяпти? Бу чиркин жамият яратган автомат «одам»ларнинг ақллилигими? Ёки боболари бир бўлган элнинг ўзаро қариндошлигидан бехабарлиги натижасида келиб чиққан калтафаҳмликми? Онгсизликми? Ўткинчи нутқ ва маърузалардан кўчирма олиб атрофдаги бефарқ оломонга ўқиб беришдан не наф? Шу ҳам билим олиш, ўқиш бўлдими?

Сўроқли гаплар давом этаверади... Лекин... Юқоридаги саволларнинг ҳар бирини саволчаларга бўлиб ташлаш мумкин. Дўстим, сиз ўзингизга қандай вазифаларни юклагансиз? Жиноят, зўравонлик, расвогарчиликлар кучайиб кетаётган, уларнинг қилмишларига тартиб сақлаш ходимлари ҳам иштирок этаётган, одамлар ўртасида оқибат кўтарилаётган, ёшлар қонига жангарилик лойқаси қуйилаётган гўзаллик, деб аталмиш сезгидан ажралиб қолаётган ДУНЁда қандай яшашни орзу қиласиз?..

Ҳалим САИДОВ.

Талабаларга билим олиш учун объектив иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратмасдан туриб, мутахассислар тайёрлашда туб ўзгаришлар содир этиш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Биз олий ўқув юртлари маъмуриятидан ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришни: талабаларга ўқитувчиларни, машғулотларнинг тури ва шаклларини, ўқитиладиган фанларни танлаш ҳуқуқини беришни талаб қиламиз...

(Бутуниттифоқ талабалар анжумани қароридан).

Талаба мардикорми?

Марҳум халқ аскиячиси Рустам Ҳамроқуловнинг талабалар ҳақида бир ҳангомаси бор эди. Эмишки, Политехника олий билимгоҳи толиби моддий томондан бироз қийналиб қолиб, мардикорликка ёлланмоқчи бўлади. Худди шу куни шаҳардаги ҳайвонот боғига текширувчилар келадиган экан. У жойдаги маймун ягона бўлиб қолгани учун, боғ маъмурияти текширувчилар келиб-кетгунларича маймунсифатроқ одам ёллагани, мардикор бозорига келишади. Халиги толиб ҳар томонлама уларга маъқул тушади.

Йигит қафасда ўтириб, ўзининг бир кунлик «маймунлик» вазифасини ўтаётганда текширувчилардан бири унга қизиқиб қолади:

— Маймун йўлбарс билан ёнма-ён қафасда экан. Бу маймунга салбий таъсир қилмайди?

— Аксинча, маймун билан йўлбарс дўстлашиб кетган. Ишонмасангиз ўзингиз кўринг...

Шундай деб, йўлбарсни маймуннинг қафасига киритиб юборишади. «Маймун» бечора қўрққанидан ҳушидан кетгудек бўлиб турса, йўлбарс унинг қулоғига пичирлабди:

— Мунча қўрқасан, ошна? Мен ҳам сенга ўхшаганнинг бириман, анави билимгоҳда ўқийман...

Албатта, бу бир ҳангома. Аммо шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди, дейишади. Талабаларнинг мардикорлик қилиши ҳеч кимга сир эмас. Мардикор бозорида тўпланадиганларнинг асосий қисмини турли ўқув даргоҳларида ўқийдиган йигитлар ташкил қилади.

Ҳафта мобайнидаги бир кунгина дам олишдан ҳам воз кечиб, баъзан эса ўқишни ҳам йиғиштириб мардикорликни танлашга илм толибларини нима мажбур қилмоқда? Пул қадрсизланиб, нарх тобора ошиб бораётган кунда саволни бу тарзда қўйиш кулгули бўлади, албатта. Бекор юргандан кўра, одамларнинг ҳожатини чиқариб, рози қилиб пулини олишнинг айби йўқ. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам борки, ана шу бизни ўйлантиради.

Айтайлик, талаба мардикор бозорига чиқди. Унинг меҳнатига талабгор ҳам топилади. Дастлаб, қандай иш бажариш кераклиги аниқланади. Неча соат ишлаш ва қанча иш ҳақи олишини савдолашадилар. Кўпинча, иш вақти кечки соат саккизгача, иш ҳақи 15—20 сўм, ёз кунларида эса 25—30 сўмгача белгиланади. Мана шу шартлар талабага маъқул келса бўлди. У энди мардикор ҳисобланади. Ташвишланадиган томони шуки, энди унга барибир. «Хўжайин»нинг айтган ишини қилиб берса бўлгани. Балки қинғирлик йўл билан топилган нарсани ташиш керакдир, балки иш жойи меҳнат хавфсизлиги қоидаларига тўғри келмас. Балки бу иш саломатликка зиддир. Булар мардикорни қизиқтирмайди. Яъни, «Лўлининг эшагини суғору, пулини ол».

Масаланинг маънавий томонини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Ўзбек халқи азалдан меҳмондўстлиги билан ном чиқарган. Меҳнаткаш қўлга муҳтож бўлган кўплаб оилалар мардикорни очиқ чеҳра билан кутиб олади. Лекин уларга бошқача назар билан қаровчилар ҳам йўқ эмас. Талаба-мардикор бундай ҳолларда «хўжайин»ларнинг нописанд, қўпол муомаласига чидашга мажбур. Чунки бу хонадонда у мардикор, унга пул керак...

Кейинги йилларда билимгоҳларни тугатиб чиқаётган мутахассисларнинг малакасизлиги ҳақида кўп ёзишмоқда. Айб талабадами? Ахир, у ойига 45—60 сўм нафақа олса, қирқ фоиз талаба аҳли хусусий уйларда ижарада яшаса, ётоқхоналардаги шароитлар, ўқитиш усулидаги камчиликлар ҳаммага маълум бўлса... Бу талабадан яна нимани кутиш мумкин? Талабалар кийим-кечакдан тортиб, зарур гигиена буюмларигача чайқовчидан олишга мажбур бўлгач, мардикорга чиқмай дарс тайёрласинми? Агар бозор иқтисодиётига ўтилса, ҳозир ҳам зўрға кун кўраётган талабаларнинг ҳоли нима кечади?

Яқинда жумҳуриятимиз Президентининг талабалар нафақасини 30 фоизга ошириш тўғрисидаги Фармони чиқди. Бир қатор рўзномаларда, радио тўлқинларида бу ғамхўрликка жавобан миннатдорчилик мактублари эълон қилинди, ҳали ҳам бу раҳматномаларнинг чеки кўринмайди. Шахсан менга бу «миннатдорчилик» муаллифларининг хурсандлиги носамимий туюлмоқда. Тўғри, илгари 40 сўм нафақа оладиган талаба, фармондан сўнг 52 сўм олади. Лекин бу ўттиз фоиз, 12-15 сўм пул талаба ҳаётида ҳеч нарсани ўзгартирмаслиги, наҳотки бу ҳозиржавобларга аён бўлмаса? Менинг фикримча, талабалар учун, қаердан бўлмасин имкониятларни излаб топиб, 100 сўм атрофида нафақа белгиланиши керак. Шундагина биз улардан назарий ва амалий кўникмаларни чуқур эгаллашларини талаб қилсак, ярашади. Акс ҳолда ўқув даргоҳлари минглаб талаба — мардикорларнинг манбаи бўлиб қолаверади.

Бозор иқтисодига ўтишимиз аниқ экан, талаба аҳлини ночор аҳволга солиб қўймаслик учун «ТАЛАБАГА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ» жамғармасини очишни таклиф этаман. Бинобарин, талаба мардикор эмас, у иқтисодий ва сиёсий мустақиллик сари бораётган жумҳуриятимизнинг эртасидир...

Анвар ЭМИН

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

Жилға № 8

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси

Конкурсга келган хатларни ўқиб...

«Уч-тўрт йилдан бери 8—11 синфларга кунига етти соатдан дарс қўйилган. Нима учун!.. Турғунлик йилларида ва яқин-яқинларгача ўқишни ташлаб пахтага олиб кетишарди-ю, дарслар қолиб кетганлиги сабабли етти соатлаб ўқишга мажбур этишарди. Энди-чи!»

Ирода ОБИДОВА,
Шофиркон ноҳиясидаги 16-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси.

* * *

«...Мактабимизда спорт зали йўқ. Қуёшли кунларда жисмоний тарбия дарсларини бир амаллаб ташқарида тўп тепиб ўтказамиз, лекин қиш кунларида бекор ўтирамиз.

...Мана, икки йилдан бери ЭҲМ дарсини ўтаяпмиз, лекин амалда ЭҲМнинг ўзини кўрганимиз йўқ.

...Мактаб ошхонасида ўқитувчилар учун 50 тийинлик, ўқувчилар учун 20 тийинлик овқат берилади. Ўқитувчиларнинг овқати-ку талабга жавоб берар, аммо ўқувчиларнинг ҳолиға вой...

...Кўп дарслар икки синфда қўшиб ўтилади. Шундай экан, талабга жавоб берарли илм олиб бўладими! Биз бу йил мактабни битириб кетамиз, лекин ука ва сингилларимизнинг шу аҳволда ўқишларини синфдошларим ва шахсан мен ҳеч истамаймиз».

Бахтиёр НАРЗИҚУЛОВ,
Сариосиё ноҳиясидаги 33-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

* * *

«1988 йил ўрта мактабни битирдим. Ўқитувчи бўлиш ниятида Қўқон Давлат педагогика олий билимгоҳига ҳужжатларимни топширдим. Лекин бахт мендан юз ўгирди...

Шу касбга қизиқмайдиган баъзи бир талабалар қизиқувчан, ҳаққоний талабанинг ўрнини банд қилибгина қолмай, давлатга ҳам зарар етказади.

...Истагим, ўқишга қабул қилиш яхши йўлга қўйилса. Мен каби талабаликни орзу қилиб юрганлар орзусига етса. Ёки бу бир умрлик армонмикан!..»

Рашида ТОЖИБОЕВА.
Охунбобоев ноҳияси.

* * *

Муштарийларимиздан анча мактублар олдик. Унинг муаллифлари ўз олий ўқув юртлари, мактабларидаги муаммолар тўғрисида куюниб ёзишган. «Жилға» таҳририяти уларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.



Ҳаммамизга маълумки, яқиндагина комсомол-ёшларнинг XXIV съезди ўз ишини якунлади. Съезд ёшларга оид бир қанча қарорлар қабул қилди. Сиз кўриб турган ушбу суратда Тошкент 2-тиббиёт олий билимгоҳи талабалари Шаҳноза Саидхўжаева ва озарбайжонлик Севинч Наврўзовалар олий билимгоҳ комсомол қўмитаси ўринбосари Шарофитдин Тўлаганов билан съезд қарорларини муҳокама қилишаяпти.

Жўра БОБОРАҲМАТ сурати.

ИЛМ ОЛИШ — САВОБ

● Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир...

● Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор* айтади.

● Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир.

(Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналаридан).

(*истиғфор — кечирим сўраш).

Бу—бизнинг талаба



Қанчадан-қанча шоирнинг дилига шеър ишқини, ҳофизнинг кўнглига куй сеҳрини, рассомнинг қўлига қаламни тутқазмайди, бу саховатли Она табиат. У ўз фарзанди учун доимо бағри кенг волида бўлиб қолаверади. Ёш рассом Бахтиёр Обидов ижодининг кўп қисмида мана шу мавзу кўзга ташланади.

Бахтиёр Самарқанд вилоятининг Ургут ноҳиясида туғилиб ўсди. У ёшлигиданоқ табиат шайдоси эди. Расмларидаги қишлоқ манзараси, табиат кўринишлари ана шу шайдолик маҳсули бўлса керак. Дастлабки тўлиқсиз ўрта маълумотини Тошкентдаги 134-мактабдан олди. У мактаб деворий рўзномасининг бош рассоми эди. Ўша пайтлардаги чизган илк суратларидан унинг истеъдод соҳиби эканлигини сезиб олиш қийин эмасди.

ИСТЕЪДОД

Истеъдод ҳаммада ҳам бир хил бўлавермайди. Лекин борини ҳам тарбиялаб борилмаса сўниб қолиши мумкин. Бахтиёржон изланувчан йигит. Мактабда ҳам, уйда ҳам санъат билан тинмай шуғулланиш уни П. П. Беньков номидаги бадиий билим юртига етаклади. Унинг изланишлари мана шундан кейин бошланди. Илк таълимни истеъдодли рассом Ориф Муиновдан олди. Бахтиёр устозлари мулоҳазаларини тингларкан, уларнинг маслаҳатларини ўзи қўл урган асарларга сингдиришга ҳаракат қилди. У рассомчиликнинг қатор жанрлари бўлмиш натюрморт, портрет, композиция каби йўналишларида кўп суратлар ишлади. Ёш мусаввир деталларни жой-жойида тасвирлашни моҳирлик билан ўзлаштирган. Бу йил ёш ижодкор учун қувончли бўлди. Жумҳурият ёш рассомларининг кўргазмасида қатнашган Бахтиёрнинг асарлари муносиб баҳоланди.

Ҳозир Бахтиёр билим юртининг битирувчиси. У айни пайтда диплом ишини тугатиш арафасида. Яна ўқиб-ўрганишни дилига тугиб қўйган ёш рассомнинг келажакдан умидлари чексиз.

Н. АЛИМОВ.



Бахтиёр Обидов ижодидан намуна.

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ.

Ёшлар ижоди



Дилдора МАРДИЕВА, 1973 йилда Самарқанд вилоятининг Оқдарё ноҳиясида туғилган. ТошДД журналистика куллиёти талабаси. Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

ЁРИЛТОШ

Ёрилтош-ей, ёрилгин, қалбим сўкилиб кетди,
Армонларнинг қарига орзум тўкилиб кетди.

Мижгонларнинг дардини фаҳм этмаган туйғулар
Тупроқларга қоришиб, сувга бўкилиб кетди.

Ёрилтош-ей, ёрилгин кемтигинг-да кўринди
Қалбгинамни ўртаган ҳақиқатнинг сочлари

Ҳисларимни қўлтиқлаб одимлайди фироққа
Ёлғонларнинг енгилмай эгилмаган бошлари.

Ёрилтош-ей, ёрилгин, кўз ёшларим сел бўлди,
Қувончлардан бир жаҳон ҳадя этурман сенга,

Умид билан қўл чўзиб тилаганим шул бўлди,
Бағрингдаги оламни — Ҳақиқатни бер менга.

БЕЗОВТАЛИК

Бахт тилаб ўрганди тилсиз қарғалар
Баҳорлар қишларга тилади тўзим.
Кузакка айлаган чоғда саратон.
Ёлғонга қумдайин тўлганда кўзим
Сабр тиламоқни ўргандим.
Олтинга кўзини тикканча халқим
Йилларни елкалаб эгилаверди.
Менинг муштдек жоним, арпадек умрим,
Олтинга етмасдек туюлаверди.
Бедорлик сабоғин бер менга дунё.
Ўргандим... Ҳеч кимга бахт тиламасман,
(«Энди бахт қушининг патлари юлиқ»)
Бугун чорлар мени безовталикка,
Қирғоғига етмай қолган Оқдарё.
Кечдим қора либос кийган бахтлардан.

Дилдора МАРДИЕВА.

«Жилға» конкурсига

КЕЛ, УМИДЛИ ЭРТАМ

«Жилға» ихлосмандларига шу нарса яхши маълумки, бундан икки ой аввал биз ўз саҳифаларимизда энг яхши ёзилган мақола, хабар, очерк ва лавҳаларга кўрик-конкурс эълон қилган эдик. Ўтган вақт ичида кўплаб мактублар олдик ва олмоқдамиз. Бизни қувонтирган яна бир нарса шуки, мактуб йўллаётганларнинг аксарият қисмини жумҳуриятимиз мактабларида ўқиётган юқори синф ўқувчилари ташкил этмоқдалар. Бугун ана шу мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Келажак камол топаётган қишлоқ мактабларида аҳвол қандай? Ўқувчиларнинг билим олишлари учун шарт-шароит етарлими? Дарсликлар ўқувчини қониқтирадими? Қишлоқ ўқувчилари қандай яшаяптилар? Билим савияси қандай, маънавий ўзликларини қандай англайдилар?

Саволлар... саволлар тубига чўккан қишлоқ ҳаёти, инсон қисмати. Рўзнома-ойномаларда қишлоқдаги мавжуд аҳвол, ўқувчилар ҳаёти, мактаб ислоҳоти ҳақидаги ўткир муаммоли мақолалар ёритиляпти, лекин гапбозликдан амалий ишнинг таъсири сезилмаётир. Қишлоқ мактабларида муаммолар талайгина, лекин гап муаммоларни топишда эмас, балки улар ечимини ўйлаб, тадбиркорлик ва зудлик билан амалга оширишдадир.

Келажак мактабдан бошланади деймиз. Мактаб — эскириб, нураган ғиштин бино. Умуман олганда қишлоқ мактабларида аҳвол ачинарли. Улар ҳозирги кун талабларига мутлоқо жавоб бермайди. Ўқувчиларнинг билим олишлари учун шарт-шароит, имконият деярли йўқ даражада.

Мен «Ёш куч» ойномасида босилган «Америкалик талабанинг бир куни» мақоласини ўқиб, океан ортидаги тенгдошларимга чин дилдан ҳавасим келди. Бизнинг аҳволимиз эса...

Яқин-яқинларгача дарсликларга чиппа-чин ишонардик, тўғрироғи ишонтиришарди. Энди-чи?! Энди дарсликлар ҳозирги кун нуқтаи-назаридан чалкашлиги аён бўлди. Баландпарвоз сўзларга, ишонч йўқолди. Дарслик бошқа, ҳаёт бошқа экан.

Бунинг устига дарс соатларини кўплиги, ўқитиш услубларининг ўша-ўша «сийқа»лиги ўқувчилар энсасини қотирган, ўқишга бўлган қизиқиш йўқолган.

Қишлоқ болалари, қандай яшаяптилар? Бир сўз билан айтганда:

— Оғир аҳволда...

Қишлоқлар — жамиятимизнинг оғриқли нуқталари. Қишлоқликлар — кўникувчан, яшаш муҳитлари — ўзгармас қонун. Қишлоқларга табиий газ келишини кутиш жаннатни орзу қилишдай гап. Маданий дам олиш ҳақида гапиришнинг ўзи бўлмайди-да. Қишлоқ кўчалари, шоир айтганидек: «ёзда чангистон, қишда балчиғистон». Ҳар тонг мана шу кўчалардан ўқувчилар мактабга қатнайдилар, шу йўлдан бепоён» пахтазорлар ҳам уларни қучоқ очиб кутиб олади.

Қишлоқда ҳамма йўллар пахтазорга олиб боради...

Бу ерлик болалар шаҳарлик тенгдошларига ҳавас қиладилар. Негаки, улар дала юзини кўрмайдилар. Уларда дарс тайёрлаш, бадиий мутолаа, рўзнома-ойномаларни ўқиш учун вақт етарли. Лекин қишлоқ ўқувчилари бундай имкониятлардан буткул маҳрум. Мактабда руҳан, уйда жисмонан чарчаган ўқувчи дарс тайёрлай оладими?! Маънавий қашшоқлигимиз ҳеч кимга сир эмас. Маънавий қашшоқ одам ўзлигини қандай англайди?.. Қачонки, мактаб ислоҳотининг туб моҳияти амалга оширилар экан, шундагина ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқиши, билим савиясида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлади, деб ўйлайман. Қишлоқликлар — умидли одамлар. Улар барибир умид кўзини эртанги кунга тикаверадилар. Лекин қанчалаб «эрта»лар уларнинг ишонч-умидини оқлолмади. Эндиги эрта — алданган одамлар ишончини оқлармикин-а?


«Баҳтли кунлар тақдиримда бормисиз, ўзи?» аста сўрайман. Ойдин кунлар яна сизни кутиб қанча-қанчалаб умидли кечаларимни бедор — тонгга улайман?

Дилоят ҚОРАБОЕВА,
Фарғона вилоятидаги 12-мактаб ўқувчиси.

«Жилға» таҳрир ҳайъати саҳифа ушбу сонининг тайёрланиш муддати чўзилиб кетганлиги муносабати билан муштарийларимиздан узр сўрайди.

Мана кўрик-конкурс эълон қилганимизга ҳам анча вақт ўтди. Бироқ талабаларимиз жуда ҳам сусткашлик қилишмоқда. Бир нарсага жуда ҳайронмиз. Наҳотки, сурхондарёлик, жиззахлик, қашқадарёлик талабаларнинг ҳамма билан ўртоқлашиш мумкин бўлган хушхабарлари, билдирадиган таклифлари, айтадиган фикр-мулоҳазалари, ечилмаган муаммолари бўлмаса? Биз улардан мактублар кутиб қоламиз...

«Жилға» таҳрир ҳайъати: Равшан АЛИМОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ, ЖАҲОНГИР, Анвар ЭМИН, Барчиной ЖЎРАЕВА.



Унинг хазин юзларига боқар эканман, ойнаи жаҳондан ёхуд рўзномалардан урушда фалон киши ҳалок бўлди, деган хабарларни эшитсак, бу талофотларни доимо ҳам дилдан ҳис қилавермаслигимиз ҳақида ўйладим. Икки болани минг азобда боқиб катта қилган бегуноҳ, муштипар онанинг, туғишган укасини ўйлаётган Нажибнинг дардини юракдан ҳис этдим. Кўнглимдан шафқат ийиб келди. Бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди. Бироқ уни юпатиш учун жўяли гап тополмадим.


— Айримлар Зоҳиршоҳ қайтиб келса тинчлик бўларди, дейишаяпти. Афғонистонда БМТ назорати остида президентлик сайлови ўтказилиб, унда мабодо Зоҳиршоҳ ғалаба қилса, ростдан ҳам осойишталик бўлармикин? — мавзуни ўзгартириб сўрадим.

— Доктор Соҳибнинг (Нажибнинг демоқчи) ҳурмати баланд халқда, — дейди Нажиб сергакланиб. — Унинг қилаётган ишларини кўпчилик маъқуллайди. Зоҳиршоҳ сайловда ғолиб чиқса, балки тинчлик бўлар. Аммо меҳнаткашга яхши бўлишига ишончим йўқ.

ГЕНЕРАЛ ДЎСТИМ

У ҳақда афғонистонлик ёш ўзбек шоири Зикрилло Ишонч қуйидаги шеърни ёзган:

Сенга дилбанд кўҳна тарих бу замон Дўстим десин
Юртда кезган, элда деҳқон ё чўпон Дўстим десин.
Кўкрагинг бахт юлдузин кўрган ҳамон Дўстим десин,
Мен эмас бу элки ҳатто кенг жаҳон Дўстим десин.
Бер ижозат, ҳар бир ўзбек бағри қон Дўстим десин.
Неча тақдир даштида оввора бўлдик энди бас,
Изладик мангу қуёш гоҳ югурдик энди бас.
Дардимиз бўғизда қотиб, тинди ёр-эй энди бас.
Гуллаган умид солгин сен руҳ назора энди бас.
Беш юз йил кўп йиғлаган ранги сомон Дўстим десин.
Рустаму Доро, Искандар, Чингизу Афросиёб,
Қаҳрамонлик тарихидан очсин янги фаслу боб.
Кони Фирдавсий ёзиб «Шоҳнома» янглиғ бир китоб,
Порласин оламга чиқсин Кўрагоний — офтоб.
Шуҳратингдан нурга тўлган осмон Дўстим десин.
Ҳам Етимтоғ, Жарқудуқ сард, бўл Туркистон тоғлари
Қундузу Балху Самарқанд, бул Бадахшон роғлари.
Мадҳинг айтсин сувга бой Жайҳун — Аму қирғоқлари,
Кўкраги севинчга тўлган Жавузхон Дўстим десин,
Афғонистон Дўстим десин.



СУРАТДА: генерал Дўстим ўзбек ва афғон журналистлари ҳамда ўз аскарлари даврасида

Афғонистон ўзбекларининг машҳур ҳофизи Мулло Тожмамат бу шеърни куйга солган. Хўш, мардлиги шеърга солинган Дўстим ким?

Унинг ёши 37 да. Отаси Абдураим ака, онаси Анора опа қўйган исми Абдурашид. Кўпчилик уни Дўстим деб аташади. Оиласи, Роҳила, Ойжамол деган қизлари, Ботир ва Ермамат исмли ўғиллари бор. Ермамат исмини у ўз батальонида жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган аскари номига қўйган.

Бугунги кунда Афғонистон жумҳуриятида нуфузли мавқега эга бўлган ўзбек генерали билан учрашувни бизга афғон ҳамкасбларимиз тавсия этишди. Дўстим ҳам Тошкентдан, Ўзбекистондан келганимизни эшитиши билан учрашишга муштоқ эканлигини изҳор этди.

Қароргоҳда бизни қуролланган ўзбек аскар йигитлари қарши олишди. Ҳурмат юзасидан улар бошқаларни каби бизнинг қурол-аслаҳаларимиз бор-йўқлигини билиш учун тинтув қилишмади.

— Генерал Дўстим Афғонистон жумҳурияти қаҳрамони. Унинг ўзбеклардан иборат аскарларини бизда жуда ҳурмат қилишади, — деди Нур.

Абдурашид Дўстим бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Дарҳол дастурхонга ўзбекча палов тортилди.

— Зап келибсизда. Сизни бир Тошкентда, ўз уйингизда ўтиргандек ҳис қилдирмасам, — деб ҳазил қилди генерал.

Дарҳақиқат, Сурхон ва Қашқа воҳаси полвонкелбат йигитларига ўхшаб кетадиган Дўстим айтганининг уддасидан чиқди. Биз тезда юртдошларимиз билан ўтиргандек ҳис эта бошладик ўзимизни. Алоатта, бунга Афғонистон ўзбеклари орасида «булбул» деб ном чиқарган машҳур ҳофиз Мулло Тожмамат катта ҳисса қўшди. Э. Воҳидовнинг «Ўзбегим», халқ лапарларидан «Яллама ёрим», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Вомиқу Узро» достонларидан айтилган қўшиқлар бизга бошқа-бошқа мамлакат фуқаролари эканлигимизни унутишга имкон яратди.

Суҳбат давомида генерал Абдурашиддан Дўстим тахаллусини қандай орттирганини сўрадим.

— Шу ўзимга қўшилган урушқоқ-урушқоқ полвон болаларни дўстим, дўстим, деб чақириб иш буюрайдим, — полвонларга хос соддалик билан суҳбат бошлайди генерал. — Бир маҳал қарасам, ўзимни Дўстим деб атай бошлашибди. Шу-шу Дўстим бўлиб кетдим.

— Армияга қандай келиб қолдингиз? — Ўзимни қизиқтирган навбатдаги саволни бераман.

— Менинг ота-бобом деҳқон ўтган. Улар Шибирғонда яшайдилар. Мен ҳам асли деҳқонман. Экин-тикин экилмай, бекорга ўқ-бомба тушиб ётган ерни кўрсам юрагим зирқирайди, шундан. Олти синф таҳсил олдим холос. Камбағалчилик туфайли деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур бўлдим. Сўғин уруш бошланди. Қишлоқни дифо (ҳимоя) қилиш лозим бўлиб қолди. Жангари, бақувват болаларни йиғиб, зиндинқилобларни ҳайдардик. Қўлга тўфанг, мошиндор (милтиқ, автомат) олишга мажбур бўлдик-да, шундай қилиб.

(Боши рўзномамизнинг 5 декабрдаги сонида чиққан. Давоми бор).

Ҳукм ўқилди, бироқ...

Ҳаётда инсон қадр-қиммати, маънавияти, меҳр-мурувват тушунчалари шу қадар чигаллашиб, қадрсизланиб кетмоқдаки, нима бўлаётганини ўйлаб ўйингга етолмайсан. Бу қадар тубанлашиб бораётганимизнинг илдизлари қаердалигини на файласуф ва на донишманд изоҳлашга ожиз.

...Келин қайнонасининг миясига уриб ўлдирган. Оғирлиги олти килограммлик катта болға билан!..

Ё, алҳазар! Не кунларга қолдик, нималар бўляпти ўзи?! Куни кеча, ўзбек халқи саводсиздан олиб саводсизга солиниб келган инқилобгача бўлган даврда ва ундан кейин яқин ўтмиш кунларимизгача оиладаги катталарга баландроқ овозда гапиришни одобсизлик, деб биладиган ўзбек келинчаги бугун бекиёс «тараққиётга» эришган «юз фоиз саводхон» кунларимизда қайнонасини ўлдирса!..

Гап фақат саводда эмас экан, шекилли-да...

Бир-бирининг қотилига айланган ака-укалар, ота-болалар ҳақида эшитган, гувоҳи бўлган эдик. Бироқ аёл аёлни, келин онани — қайнонани ўлдирса, ўттиз ёшли жувон икки оғиз қарғиш учун дам олиб ётган олтмиш ёшли қайнонасининг ортидан миясига темир болға билан тушириб мажақласа... Аёл деган, она деган нозик-нафис зотга сира мос тушмайдиган ваҳшийликдир, бу. Товуқ сўйилганда сесканиб, юзини кафти билан яширадиган, икки эркак муштлашаётганда дир-дир титраб турадиган аёл бугун ўзи сингари аёлнинг миясини чилпарчин қилишдан сесканмаса! Сўнг, ўз жиноятини яшириш учун ўлик қайнонасининг ва ўзининг қонга беланган кийимларини алмаштирса, мурдани ертўлага ташлаш учун йигирма метр жойга судраб келолса...

Ё тавба! У ким бўлди ўзи?!

Таҳририятга келган хатни ўқиб, кўз олдимга забардаст, гавдали, афти-башараси хунук, кўзлари совуқ бир жувон келган эди. Қотилларни қора курсида кўп кўрганман. Аксари бадбашара ёки ўзи одамбашара бўлса-да, кўзлари совуқ бўлади. Бу сафар эса янглишибман. Қора курсида ўтирган аёлни кўриб кўзларимга ишонмадим: хушрўй, ҳатто чиройли, овози майин, қадди-қомати ҳам келишгангина бир жувон. Шу мавжудот юқоридаги қотилликни қилганига ишонолмайсан. Ишонмасдан эса иложинг йўқ: исботланган, терговда бўйнига олган, суд мажлисида ҳам қайнонасини қандай ўлдирганини ўз оғзи билан гапириб беряпти. Гапираётиб ҳушидан кетиб қолмаётганига таажжубда қоласан киши. Унинг гапини эшитиб залда ўтирган марҳуманинг қизларидан бирини эса... «Тез ёрдам» олиб кетди.

Бу мисли кўрилмаган қотиллик пойтахт Тошкентнинг ёнгинасидаги, Оржоникидзе ноҳиясида содир этилди. Шу йил, апрелда.

Воқеани баён этадиган жойга келиб, яна узоқ ёзолмай ўйланиб қолдим. Қалам юрмайди: жирканчми, аянчми, нималигини, ёзишга нима йўл қўймаётганини билолмайман.

Билъакс, мақолани ёзишга жазм этказган нарса ҳам шу савол эди: «нега биз, айрим одамлар, бу қадар тубанлашиб, бу қадар жоҳилу разил бўлиб кетяпмиз — сабаби нима?» Мен шу саволга ўзим жавоб тополмадим. Умумий маънода ҳам, айнан мана шу воқеанинг сабаби нималигини ҳам — тополмадим. Ва буни муштарийларга ҳикоя қилиб, улардан жавоб топишда ёрдам сўраш фикри бир қарорга келтирди. Зеро, бир неча кун давом этган суд мажлисида суд ҳайъати аъзолари ҳам, қораловчи ва оқловчилар ҳам ушбу саволга жавоб излашди, чамамда, улар ҳам аёл аёлни ваҳшийларча ўлдиришига асос бўлгулик сабабни, демакки, қониқарли жавобни топишолмади.

Шундай қилиб, Оржоникидзе ноҳиясидаги қишлоқда бир аёл яшар эди. 1990 йилнинг 21 апрелигача. Тўлқиной Исматова. Ёши олтмишни қоралаган бўлса-да, тиниб-тинчимасди: жамоа хўжалигида ишларди, қўшимча ер олиб гектарчилик қиларди, пилла қурти боқарди. Шуларни қилмаса бўлмас эди, эри бевақт вафот этиб бир этак бола ўзига қолган эди. У тиним нималигини билмай ер тимдалаб меҳнат қилиб қизларини турмушга чиқарди, уч ўғлини уйлантирди. Бир ўғлини оиласи билан алоҳида жойга чиқарди, икки ўғли оилалари билан бир ҳовлида яшайди, ўзи ҳам ўшалар билан. Бироқ... судда гувоҳ сифатида сўралган ўғилларининг сўзича, онаси яшайдиган хонани уй санаб бўлмас эди — бир чеккасига қишда бузоқ боғланар эди. Хона иситилмасди. Ўғли Икром байрам кунлари, бошқа яхши кунларда онасини ўз уйига зўрлаб етаклаб келса, она у ерда узоқ ўтиролмас эди, тезда ўз кулбасига чиқиб кетарди. Қаҳратонда ҳам эски-туски кўрпаларга ўралиб ухлайверарди. Ўжарлиги ё бошқа бир ёмон табиатидан эмас, «болаларим тинч бўлақолсин», деганидан. Тушунгандирсиз. Икромнинг хотини унга — қайнонасига рўйхўш бермаслигидан. Мени, деб оиласида ортиқча гап-сўз туғилмасин, ўзи шундоғам муросалари омонат бўлиб қолди, дея ич-этини ерди онаизор. Кичик ўғли Иброҳимнинг ичкилик ичиши онага ёқмасди, шунинг учун унинг уйига ҳам кўпам киравермасди. Иброҳимнинг хотини билан ади-бади айтишар эди-ю, Икромнинг хотини Азиза билан кўпам қаттиқ-қуруқ гаплашмас эди. Азиза — жиноятчи суддаги кўргазмасида буни ўзи ҳам таъкидлади: «воқеа содир бўлгунгача ойим билан фақат икки марта уришганмиз». Икром Азизага 1987 йил охирида уйланган. Уни беш-олти йил илгарироқ олий билимгоҳда ўқиб юрганида таниган, «гаплашиб» юришган, бироқ, бошқага уйланган. Хотинининг тутқаноқ касали бор экан, яшамай ажрашишган. Орадан вақт ўтиб тасодифан Азизани кўчада учратиб қолган...

Келинг, яхшиси, ўша суд мажлисидаги савол-жавоблардан ёзиб олганимни кўчираман.

Судья: — Воқеадан бир ҳафта олдин уйингларда қанақа жанжал бўлган эди?

Гувоҳ: (Иброҳимнинг хотини) — Иброҳим акам болта кўтариб «ўлдираман» дея бақирди. Ойимни олиб қочдим. Болта ерга тушганда олиб томорқага отвордим.

Судья: — Сабаб нима жанжалга?

Гувоҳ: — Иброҳим акам, унинг (Азизанинг) ўйнаши бор, акам индамайди, мен ўлдираман, дерди.

Судья: — Судланувчи билан бир ҳовлида яшагансиз, уни характерлаб беринг.

Гувоҳ: — Биз иккимиз уришмаганмиз. Иброҳим акам билан урушишарди.

Прокурор: — Уларнинг оиласида ким устун эди, эрми-хотинми?

Гувоҳ: — Билмадим, сезмаганман.

Адвокат: — Диля, айтингчи, сиз билан эрингиз ўртасидаги жанжалга нима сабаб бўларди?

Гувоҳ: — Ойим билан Икром аканинг муносабати яхши эди, Иброҳим акам ичгани учун уришиб турардилар. Икром уйда қолсин, сенлар чиқиб кетинглар, дердилар.

Пайқадингизми, уриш-жанжалнинг азалий ва аксарий сабабларидан бири юзага қалқиб чиқди: жой! Уй-жой. Инсон инсон бўлиб яралибдики, жой талашади. Жой катта-катта урушларга сабаб бўлган, жой кичик-кичик уриш-жанжалларга сабаб бўлган ва бўлмоқда. Ўз навбатида жой талаш урушлар, фожиалар келтириб чиқараётгани кўпаймоқда. Бу ҳам биз ҳозир ижирғаниб турғунлик йиллари, деб атаётган нобоп узоқ давр — бир неча ўн йилликлардаги ижтимоий адолат, яъни тенглик топталган, тенгсизлик гуркираб ўсган ва ҳозирча ҳам ўсиш эпкини тўхтамаган бир ҳолатнинг аччиқ меваларидир. Ҳозир ҳам **кимлардир икки хонали «дом»да бир неча оила бир неча этак болалари билан яшаб келмоқда, данғиллама участкада яшаётган кимлардир кўп хонали давлат квартираларини ҳордиқ кунлари ювиниб-тараниб келадиган дамхона сифатидагина сақлаб қўйибди. Сўзим айримларга қуруқ ёки лоф туюлмасин, яқинда шаҳар судида бир ноҳия уй-жой ширкатининг мутасаддиларни қора курсига ўтирди. Улар четдан келган одамларни турли ётоқхоналарга қайд қилиб, пора эвазига нақд квартираларни тутқазавершиган. Уй-жойга муҳтож, бир неча йилдан бери ширкатда навбатда турганлар эса тураверади.** Чунки... уларнинг мутасаддиларга енг ичида берадиган ортиқча пули йўқ. Бу алоҳида мавзу, энди яна суд залига қайтайлик.

Судья: — (судланувчига): — Эрингиз ва қайнонангиз билан муносабатингиз ҳақида гапириб беринг?

Судланувчи: — Икром акамни 1978 йилдан танирдим. Армияга кетгач алоқамиз узилди. 1987 йилда автобусда кўриб қолдим. Турмушга чиқмаганимни эшитиб, таклиф қилдилар. Турмуш қурдик. Биринчи ҳайитимда уйга ҳеч ким келмади. Иброҳим келиб сўкди. Уйга кетдим.

Судья: — Қайнонангиз билан муносабатингиз қандай эди?

Судланувчи: — Яхши эди. Фақат бир марта, мен ҳомиладорлик пайтимда оёғимни тоғорада буғлаб ўтирган эдим. Икром акам даҳлизда соқол олаётган эди, ойим келиб тоғорани ағдариб юбордилар.

Судья: — Шу йил 14 апрелда қанақа жанжал бўлган?

Судланувчи: — Иброҳим ака оёғини ечмай ётоғимга кириб келди. Нега бундай қиляпсиз, менинг уйимга туфли билан кириб келяпсиз, дедим. Бу менинг уйим, нима хоҳласам қиламан, деди у. Нуқул ойимнинг татарлигини рўкач қиларди. Дилбар (Иброҳимнинг хотини) бизни ажратди. Ойим, Икром акам келгач, яна уриш бошланди. Иброҳим болта кўтариб ҳовлига чиқди. Кечқурун Икром акамга айтдим: чиқиб кетайлик шу уйдан. Майли, уйингга бориб тура-тур, онанг билан маслаҳатлашиб кўр, балки бирон уй топилар, деди Икром акам. Бордим, суриштирдим. Ширкат квартира топдим. Унга тўлашга 4 минг сўм керак эди. Буни Икром акам билан қайнонамга айтдим. 4 минг сўм йўқ эди. Қайнонам, ер бериб қолар колхоздан, шошманглар, дедилар.

Судья: — 21 апрелда нима бўлган?

Судланувчи: — Қайнонам, Икром акам учаламиз нонушта қилдик. Икром акам ишхонага шанбаликка, қайнонам ҳаммомга кетдилар, гаплашиб ўтириб, уйдан бўлак бўлиб чиқиб кетишни айтдим. Қайнонамнинг жаҳли чиқди. «Дунёда икки нарса тузалмайди, — дедилар, — рак билан келин. Сенга нима етмаяпти! Бўлак бўлиб ўғлимнинг устидан юрмоқчимисан, ўғлим индамайди ўйнашинг борлигини билса ҳам, қизинг кимданлигини ўзинг билмайсан».

Азиз муштарийлар, бу ерда икки оғиз шундай изоҳ зарур: юқорида, суд мажлисидан келтирилган кўчирмаларни биз сизга мутлақ ҳақиқат сифатида тақдим этмаймиз. Чунки, судда жавоб берадиган ҳар бир шахс гарчи «тўғри кўргазма бераман» деган ҳужжатга имзо чекса ҳам, барибир, у ёки бу факт-воқеаларни ўз манфаати томон буриши мумкин. Суд ҳайъати буларнинг ҳаммасини тинглаб, солиштириб, хулоса чиқаради.

Азиза — судланувчи сўзида давом этади:

— Мен буларни эшитгач, ўзимни бошқаролмай қолдим, диван олдида кувалда турган экан, уни олиб орқа ўгириб ётган қайнонамнинг бошига икки марта урдим. Ҳаммаёқ қон бўлиб кетди. Шу пайт Дилбар кириб қолди. У қўрқиб қочиб кетди. Қонни кўриб ҳушим ўзимга келди, ёрдам бераман деб қарасам — ўлибди.

Залда ҳўнграган йиғи товушлари эшитилди. Марҳуманинг қизлари йиғларди. Марҳуманинг онаси — кампир пешонасини олдиндаги ўриндиқнинг суянчиғига тираганча беҳол ўтирибди.

Судланувчи давом этади:

— Дилбардан подвални очиб беришни сўрадим. Очиб берди. Судраб опчиқиб подвал зинасига олиб борганимда Икром акам келиб қолдилар...

Икром онасини зўрға таниди, бир зум гангиб қолди: боягина бирга нонушта қилган онаси шуми? У, табиий, хотинидан нима бўлганини сўради. Хотин, боламни темирйўл томонда ўйнатиб юрган эдим, келсам шунақа бўлиб қолибди, деган жавобни қилди. Биргалашиб кўтаришиб уйга опкириб ётқизишди.

Гувоҳ Икром: — Кувалда диван ёнида қутида асбоблар орасида турарди. Оғирлиги 4 килограммча. Бронзадан заводда ўзим ясаганман. Охирги марта тўйимизда ишлатилган — ҳовлида устун қоқилган. Бу иш тўсатдан бўлмаган, олдиндан тайёрланган. Уйимизни ўша куни милиционерлар муҳрлаб кетишган эди, кейин очилганда қарасак сандиқда ҳеч вақо йўқ. У илгари буюмларини онасиникига ташиб бўлган экан.

Прокурор: — Хотинингизда руҳий касаллик белгиларини сезганмисиз?

Гувоҳ: — Йўқ, у жуда ақлли.

Прокурор (судланувчига): — Кувалдани кўтарганингизда нимани ўйладингиз? Сиз, ўзимни йўқотиб қўйдим, деяпсиз. Лекин мурдани беркитиш ҳаракатини қилгансиз, кийимларингизни алмаштиргансиз.

Судланувчи: — Қонни кўриб эсим ўзимга келди.

Излайман, излайман. Фожианинг, қотилликнинг лўнда сабабини тополмайман. Гувоҳларнинг, судланувчининг сўзларини тинглайман. Йўқ, аёл аёлни ўлдирадиган сабаб йўқ. Кўргазмалар — аксар оилаларда, қайнона-келин ўртасида бўладиган «ўзимизнинг» «майда-чуйда» гап-сўзлар. Балки, мана шу ади-бадилар, ғиди-бидилар йиғилиб-йиғилиб портлагич «бомба»га айланармикин? Балки. Бироқ, бу қайнона-келин ўртасида ортиқча айтишувлар бўлмаганини Азизанинг ўзи тасдиқлайди.

Судья: — Илгари шунақа ҳақорат қилганми қайнонангиз?

Судланувчи: — Йўқ.

Судья: — Ҳақорат қанча давом этди?

Судланувчи: — Ўн-ўн беш минут.

Ўн-ўн беш минутлик ҳақоратга ўлдириш билан жавоб бериш... Фақат шунинг ўзимикин?

Гувоҳ Сатторова (марҳуманинг қизи): — Қайнона-келин ўртасида одоб-ҳурмат деган нарса бўлади. Булар ўртасида йўқ эди. Бу юқорида, онам пастда ўтирарди. Ҳожатхонани бўлак қилди, деди. Тўғри. У ерларда сосиска, овқат ётса... Ҳайит бўлмади, деди. Рост. Лекин ҳайитда келиннинг уйидан йўқлов келмаса, ўзи қуёш кўтарилгунча ухлаб ётса. Пилла қурти тутамиз — битта барг ташлаган келин эмас ёки жазирамада далада ишлаётган қайнонага бир чойнак чой оборган эмас.

Судья: — Жанжал ҳақида нима биласиз?

Гувоҳ: — Ойим бу пул сўраганини айтганлар.

Гувоҳ (Кўчқор): Исматова Тўлқиной менинг опам бўлади. Опам 1954 йилда келин бўлиб тушган, 1955 йилдан колхозда ишлаган. Эри ўлгач болаларини ўзи катта қилди. Лекин уйига йўқлаб борсак, қайси уйга киришни билмасдик: бир келин эшикдан қараб ичкарига кириб кетади, иккинчиси менсимасди. Опамнинг уйида эса мол, товуқ боқишарди. Опам ҳафталаб қизлариникида ётиб қолардилар. Ўша куни, кичкина ўғиллари Иброҳимни қотилликда гумон қилиб милиция унинг қўлига кишан солиб опкетди, лекин қотил кимлигини билган унинг хотини ким ўлдирганини айтмади. Яширгани учун кичкина келиннинг устидан ҳам жиноий иш қўзғаш керак.

Изоҳ: Барибир, ҳақиқий қотил кимлигини кечроқ бўлса-да, ўша келин айтган, шундан сўнг Азизани олиб кетишган. Гувоҳнинг таклиф-талабини бажариш-бажармасликни ҳуқуқ органлари ҳал қилади.

Мен эса такрорлайман, мақолани кўпроқ суд мажлисидаги сўроқ-жавоблар асосига қурдим. Сабаби — ўзим хулоса чиқаролмадим, қотилликнинг йирик ягона сабабини тополмадим. Майда сабаблари эса кўп. Айримлари ҳақида қисман фикр юритдим. Бошқа сабаблари ҳам бор, лекин улар нималардан иборат? Бу саволга кўп минг сонли муштарийларимизнинг фикр-мулоҳазалари ёрдамида жавоб топсак ажаб эмас.


Оржоникидзе ноҳия халқ судининг раиси Д. Иброҳимов раислигида суд ҳайъати Азиза Исматовани 9 йил озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

ОНАНИНГ ҚОТИЛИ — ОНАМУ?

Иттифоқ бўйлаб







Хорижга бориш йўлидаги тўсиқлар олиб ташлангач, мамлакатимиздан кетиш ихтиёрида бўлганлар, айниқса, АҚШ ва ГФЖ элчихоналарида уч-беш кунлаб навбат кутишмоқда. Юқоридан чапдаги суратда ГФЖ элчихонасидан ўз муддаосига эришиб чиқаётган фуқаро акс этган.

Ватанимизда эса кўпчилик ҳаётимизнинг фаровон ва мазмунлироқ бўлиши учун жон куйдиришмоқда. Ленинград вилоятидаги қомусий билим соҳиби А. Олейнин яшаган Приютино қўрғони жонкуярлар томонидан таъмирланди.

А. НЕМЕНОВ ва А. БЛОХИН суратлари

(ТАСС)

8 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

9.00 «Барбод бўлган экспедиция» Бадиий фильм 1-серия (М. Горький номли киностудия). 10.10 Ўзбекистон композиторлари уюшмасининг IV пленуми. 10.50 «Шахсий ёрдамчи хўжаликларга кенг йўл». 11.30 Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 13.05 «Мураббий ўгитлари». 13.35 «Деҳқон ва замин».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Дилли ва Даллининг саргузаштлари». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар» 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзбек классик куйларидан концерт. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ҳафтанома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 «Беором кун». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 А. Чхаидзе. «Авлодлар». Телевизион спектакль. 2 қисм. 10.55 Шарқона якка-ма-якка кураш турлари. Ниҳза. 11.25 Кинопрограмма.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Мутлақо сир эмас» 18.45 «Муми-долга куз келди». Мультфильм. 19.00 «Новости». 19.20 Кинолавҳа. 19.30 «Дар меҳмони панзоб». 20.30 «Ахбор». 20.50 «Гулчин». Концерт 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Б. Кимёгаров фильмлари. «Рустам ҳақида достон»

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ
700083. ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР
ҚАБУЛХОНА — 32-56-36.
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС 64607
313500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28629.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.